

«Муфассал тажвид»



14:29 / 04.01.2019 4009

Одинахон Муҳаммад Юсуфнинг «**Муфассал тажвид**» деб номланган китоби.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Биз бандаларига Қуръони Каримни саодат маёғи қилиб туширган Аллоҳ таолога сон-саноксиз ҳамду санолар бўлсин!

Биз умматларига Қуръони Каримни Аллоҳ таолодан қандай қабул қилиб олган бўлсалар, шундай етказган Расули акрамга тугал ва мукаммал саловот ва саломлар бўлсин!

Аллоҳ таолонинг Ўзига чексиз шукрлар бўлсинким, кундан кунга динимиз, шариатимиз, Қуръонимиз ва қадриятларимизни қўлдан келганича яхшироқ ва мукаммалроқ ўрганиб бормоқдамиз. Ўтган даврда унут бўлган турли илмлардан хабардор бўлиб бормоқдамиз. Ана шундай илмлардан бири муқаддас китобимиз Қуръони Каримни ўзига хос қоидалар асосида тиловат қилишни ўргатадиган тажвид илмидир. Мустақиллигимиздан аввалги даврда бу илмни биладиган одамлар жуда ҳам оз эди. Энди эса, бу илмни кўпчилик эгаллаб бормоқда десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Бу борада дастлаб, содда ва қисқа рисоалар битилди. Аста-секин, савия ортган сари рисоалар ҳам кенгайиб, бойитилиб борилди. Қуръони Каримни қироат қилиш савияси ҳам ортиб борди. Масжидларимизда, муборак Рамазон ойида қилинадиган хатми Қуръонлардаги гўзал қироатлар ҳаммининг ҳавасини келтирадиган даражага кўтарилди. Қуръони Карим тиловати бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақаларда иштирок этган қориларимиз бу борада бошқалардан қолишмайдиган бўлди.

Тажвид илми борасидаги қўлланма китобларимизнинг савияси ҳам талабга биноан ўсиб бориши лозим бўлиб қолди. Бу ишга ҳам қўл урилди. Ушбу илм эгаларидан баъзилари бу савобли ишга ўз ҳиссаларини қўшишди ва қўшишмоқда. Бу жараён Аллоҳ таолонинг ёрдамида мувофақиятли равишда давом этмоқда, тажвид илми ватанимизда қайтадан камолига етмоқда.

Ушбу асарнинг соҳибаси диний ва Қуръони Каримга оид илмлардан хабардор оилада туғилиб ўсди. Ўзимизда ва чет элларда етук олимлардан дарс олишга муваффақ бўлди. Либияда олий ўқув юртида ўқиш давомида катта устозлардан бошқа илмлар қатори тажвид илмидан ҳам олий савиядаги дарсларни олди ва Қуръони Каримни тўлиқ ёд олди. Кейинчалик Мисрда катта қироат устозларида дарс олиб, имом Осим қироатининг Ҳафс ва Шўъба ривоятлари бўйича ҳамда имом Нофеъ қироатининг Варш

ривоятлари бўйича ижоза ва мукофот олиш бахтига муяссар бўлди. Шу билан бирга бир неча йиллардан буён Хадичаи Кубро аёл-қизлар ўрта махсус ўқув юртида қизларимизга дарс бериб келмоқда. У кишининг шогирдлари маҳаллий ва халқаро Қуръони Карим мусобақаларида мувофақият ила қатнашиб келмоқдалар. Бир неча қизларимиз ушбу қўлимиздаги китоб соҳибасидан дарс олиб, Қуръони Каримни илмий асосда тўлиқ ёд олдилар ва илмий ижоза ҳам олишга муяссар бўлдилар.

Шу билан бирга, муҳтарама Одинахоннинг тажвид илми бўйича бир мукамалроқ китоб ёзиш ниятлари ҳам бор эди. Бу борада камина ходимингиз билан ҳам маслаҳатлар қилди. Ҳамма тайёргарликлар кўриб бўлинганидан кейин китобни ёзишга киришди. Бунда аввал бу борада нашр этилган асарлар ҳисобга олинган ҳолда ўқувчига кўпроқ маълумот етказишга ҳаракат қилинди. Тажвид илмининг билимдонлари билан маслаҳатлар қилинди. Китобнинг таҳририни ҳам тажвид илмининг билимдонлари амалга оширганлари нур устига нур бўлди.

Яхши ният билан узоқ муддат давом этган машаққатли илмий ҳаракат натижаси ўлароқ қўлимиздаги асарни нашрга тайёрлашни Аллоҳ таоло насиб этди.

Аллоҳ таоло бу ихлос билан қилинган ишни ҳусни қабул айласин, ундан фойда олишни кўпчиликка насиб айласин! Асар соҳибасига илм поғоналаридан янада юксакларга кўтарилишни насиб этсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.

Тошкент. 20.04.14.

Муаллиф: Одинахон Муҳаммад Юсуф

Номи: «Муфассал тажвид»

Нашриёт: «Hilol» нашриёт-матбввси

Сана: 2018 йил

Ҳажми: 218 бет

ISBN: 978-9943-5474-0-7

Бичими: 84×108/32

Муқоваси: қаттиқ

Ушбу китобнинг электрон нашри ҳам бор. Уни ўқиш учун сизга «Hilol eBook» дастури керак бўлади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йилнинг 3768-сонли тавсияси ила чоп этилган.

Китобда қуйидаги масалаларга оид маълумотлар ўрин олган:

Тақдим

Муқаддима

Қорилик ва қироат фазилати

Биринчи дарс. Биз қайси қироатда ўқиймиз?

Иккинчи дарс. Тажвид илми ҳақида

Лаҳн

Учинчи дарс. Қироат рукнлари

Истиъоза ва басмала

Тўртинчи дарс. Қуръони Каримни тиловат қилиш ва тинглаш одоблари

Бешинчи дарс. Ҳарфларнинг махражлари

Олтинчи дарс. Ҳарфларнинг сифатлари

1-жуфт сифат – ҳамс ва жаҳр

2-жуфт сифат – шидда ва рахова

3-жуфт сифат – истеъло ва истифола

4-жуфт сифат – итбоқ ва инфитоҳ

5-жуфт сифат – излоқ ва исмот

Зидди йўқ сифатлар

Сифатларни билиш

Еттинчи дарс. Мутамосил, мутақориб, мутажонис ва мутабоид

Саккизинчи дарс. Суқунли нун ва танвин қоидалари

Тўққизинчи дарс. Суқунли мим қоидалари

Ўнинчи дарс. Суқунли лам қоидалари

Ўн биринчи дарс. Тафхим ва тарқиқ

Ўн иккинчи дарс. Мадлар

Ўн учинчи дарс. Қатъий ва васлий ҳамзалар

Ўн тўртинчи дарс. Вақф ва ибтидо

Ўн бешинчи дарс. Киноя «ҳа»си

Ўн олтинчи дарс. Ҳазф ва исбот

Ўн еттинчи дарс. Мақтуъ ва мавсул

Ўн саккизинчи дарс. Тўгарак «та» ва ётиқ «та»

Ҳусайнхон қори Яҳё Абдулмажиддан тухфа қаср тариқи

Шотибий тариқи ва мисбоҳ қаср тариқи орасидаги фарқлар жадвали

Қаср назми

Тиловат саждаси

Ижозанинг таърифи

Ижозанинг рукнлари

Қуръони Карим ва тажвиднинг баъзи муаллимларига мулоҳазалар

Хотима

Манбалар рўйхати